O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2019 y.г. «22» июля № 1797-к Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган

Каттақўрғон шаҳар "Ғ.Мачит" маҳалласи Фаробий кўчаси атрофидан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 25,0 кв.метр ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида"ги 3812-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари, фуқаро Инатов Шерзоджон Зоир ўғлининг шаҳар ҳокими номига ёзган аризаси, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2019 йил 12 июлдаги далолатномасини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2019 йил 12 июлдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттақўрғон шаҳар "Ғ.Мачит" маҳалласи Фаробий кўчаси атрофидан фуқаро Инатов Шерзоджон Зоир ўғлига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриши учун 25,0 кв.метр ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Инатов Шерзоджон Зоир ўғлига белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аёллар тикув цехи ва эркаклар сартарошхонаси қуриши учун ҳужжатларни расмийлаштириш;

- тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар бош архитектори (Ж.Салохутдинов) ва Самарқанд вилоят "Ермулккадастр" ДКнинг Каттақўрғон шаҳар филиали (У.Туропов)га фуқаро Инатов Шерзоджон Зоир ўғлига ажратилган ер майдонини (натурада) ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Фуқаро Инатов Шерзоджон Зоир ўғли томонидан шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишларини амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

6. Фуқаро Инатов Шерзоджон Зоир ўғлига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриши учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **М.Хашимов**